ЖАДИДЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ СОҲАЛАР ИСЛОҲОТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Наргиза Кенжаева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Ирода Салимова
Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани 1-умумий ўрта таълим мактаби

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX аср охири - XX аср бошларида “жадидчилик” деб номланган миллий-тараққийпарварлик ҳаракатининг тарихига бағишланган масалалар ёритилган. Шунингдек, маърифатпарварликдан тортиб, то кучли сиёсий ҳаракатгача бўлган ривожланиш босқичлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: жадидчилик, Ўрта Осиё, янги усул мактаблари, халқ таълими, миллий-маърифатпарварлар

THE CONTRIBUTION OF JADIDS TO SOCIAL AND CULTURAL REFORM IN CENTRAL ASIA

Nargiza Kenjaeva
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Iroda Salimova
1st comprehensive school of Kumkurgan district of Surkhandarya region

ABSTRACT

This article deals with the history of the national-progressive movement called "Jadidism" in the late XIX - early XX centuries. It also outlines the stages of development from enlightenment to strong political action.

Keywords: Jadidism, Central Asia, New Methodist Schools, Public Education, National Enlightenmen

КИРИШ

XIX-XX аср оралиғида Татаристонда пайдо бўлган жадидчилик ҳаракати, кейинчалик Бухоро, Хива ва Туркистонга ёйилди. Жадидлар мактаб, маориф, адабиёт ва санъат соҳаларида ислоҳотчилик ишларини амалга ошириш билан бирга, халқнинг маданий, маърифий жиҳатдан ҳам онгини ўстиришга катта эътиборларини қаратдилар. Ўрта Осиё хонликларида руслаштириш сиёсатининг бошланиши миллий зиёлиларнинг асосли таъсирланишларга сабаб бўлди. Ўрта Осиёда миллий зиёлиларнинг ва мулкдорлар қатламининг бир қисми жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий таянчи бўлдилар.

Жадидчилик ҳаракати дастлаб, мусулмонлар учун европача таълим тизимини олиб кириш зарурияти билан, эски мусулмон таълим тизимини ислоҳ қилиш ортида бошланган маданий ҳаракат эди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жадидчилик ҳаракатининг асосчиси, тарғиботчиси Исмоил Гаспринский, Қримдаги мусулмон диний мактабида, Симферопол давлат эркаклар гимназиясида, Воронеж ҳарбий билим юртида, кейинчалик Иккинчи Москва ҳарбий гимназиясида таълим олган. 1883-1914 йилларда Бохчасаройда “Таржимон” газетасини нашр эттирди.

XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистонда маърифатпарварлик ғояларининг асосий куйчиси бўлган жадидчиларнинг дастури қуйидагича эди:

биринчидан, мусулмон халқ таълимида ислоҳотлар олиб бориш ва маданият, фан ва техника ҳаётий муҳим бўлган соҳаларда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш;

иккинчидан, тайёрланган юқори малакали мутахассислардан Туркистоннинг иқтисодиёти, саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фойдаланиш;

учинчидан, халқнинг турмуш даражасини кўтариш ва фаровонлигини ошириш;

тўртинчидан, миллий сармояни шакллантириш, мулкдорлар ва бой одамларнинг кўпайишига кўмак бериш;

бешинчидан, малакали маҳаллий мутахассислар ёрдамида жамият ва давлат ҳаётида туб ислоҳотларни амалга ошириш.

Жадидлар ҳаракатининг аҳамияти шу билан ҳам муҳимки, улар нафақат эскирган мусулмон халқ таълимини тизимини ислоҳ қилибгина қолмасдан, миллий нашр, адабиёт ва театрга ҳам асос солдилар.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, Туркистон адабиётининг илдизлари бир неча аср қадимий даврларга бориб тақалади. Бироқ, XX асрга келиб халқнинг ҳақиқий ҳаётини, уларнинг ташвишлари, орзу-умидларини акс эттирган, халқни уйғотишга қодир бўлган адабиётни яратишга эҳтиёж сезилди. Жадидчилар тил бўйича, мазмун моҳияти бўйича халққа яқин ана шундай адабиётни яратдилар.

Янги адабиётнинг асосчилари бўлган Фитрат ва Чўлпон биринчи бўлиб арузнинг анъанавий шеърий вазнидан воз кечиб, оғзаки халқ шеъриятига хос,бармоқ вазн шеъриятига мурожаат қилдилар. Ватанпарварлик ва озодлик ғоялари билан куйланганбу шеърлар, халқ оммасига катта таъсир кўрсатди. Жадидларнинг маърифатпарварик, мустамлакачиликка қарши ва

ҳурриятпарварик ғоялари нафақат шеъриятда, балки насрда ҳам ёрқин гавдалантирилди. Шуниси аҳамиятлики, М. Беҳбудий публицист ва ношир сифатидакўринишдан олдин, биринчи ўзбек пьесаси “Падаркуш”ни (1911 й.) ёзди. Мазкур пьеса 1913 йилда саҳнага олиб чиқилиб, ўзбек театрига асос солинди. Театрнинг аҳамиятини, томошабинларга таъсирини яхши билган М. Беҳбудий ва унинг издошлари 1910 йилларда ўша замоннинг долзарб мавзуларида, гиёҳвандлик, тўй-ҳашамларнинг халқ учун хонавайрон харажатлари, феодал-бойларнинг аёлларга муносабати ва маърифатсизликнинг фожиали оқибатлари ва ҳ.к. ёритилган ўндан ортиқ пьесалар ёздилар. Бу пьесалар асосида саҳналаштирилган спектакллар томошабинарларда катта акс-садо берди. Биринчи жадид театр труппаси,театр – бу кенг оммага мўлжалланган адабиёт, спектакл эса – воқеа-ҳодисалар саҳнада бўлиб ўтадиган роман эканлигини кўрсатиб бериб, ўзининг спектакллари билан бутун Туркистон ўлкасини айланиб чиқди.

Юқорида қайд этилганидек, 1917 йилга қадар жадидчилик ҳаракатининг дастури йўқ эди. Фитратнинг “Мунозара” ва “Сайёҳ ҳинди” асарлари 1917 йилгача жадидчиларнинг норасмий дастури бўлиб хизмат қилган. 1917 йилда Фитрат иштирокида ёзилган “Бухорода ёш бухороликлар қўмитаси лойиҳаси” бизгача етиб келган ноёб юридик ҳужжат ҳисобланади. “Ер-сув масалалари”, “вақф ерлари” “Ҳарбий ишлар”, “Молиявий ишлар”, “Ички ишлар” ва бошқа масалаларни ўз ичига олган, 13 бўлимдан иборат мазкур лойиҳа ҳужжати, ҳокимиятни қўлга киритишни ва кейинчалик ўлкани бошқаришни мақсад қилган ёш бухороликлар партиясининг сиёсий дастурига ўхшаб кетади.

Лойиҳада жадидларнинг асосий фаолияти бўлган маърифатга ҳам катта эътибор қаратилган.

“Мамлакатда давлат маблағлари ҳисобига очилган барча таълим муассасаларини бошқариш учун, - деб ёзадилар, “Лойиҳа” муаллифлари, - масалан, ўқитувчиларни тайинлаш, олий таълим муассасини очиш, дастурлар тузиш ва ҳ.к. учун маориф вазири тайинланиши лозим.

Давлат ва вақф мактабларидан ташқари, ҳар ким мактаб очиши мумкин. Бунга тўсқинлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Таълим муассасаларини тамомлаганларга Олий педагогика кенгашининг иштироки билан маориф вазири белгиланган дипломларни топширади. Масалан, мулла, ўқитувчи, муфти, қози (судья) ва б. тоифасига мансублик диплом.”

Маърифатпарварлик мақсадларидан сиёсий вазифаларга ўтганбухоролик жадидлар сафида юзага келган вазиятни англаш учун Фитрат билан бирга ёш бухороликлар фирқасини бошқарган Файзулла Хўжаевнинг “Бухорода инқилоб тарихига доир” китобига мурожаат қилиш зарур.

“Бухоро жадидчилик ҳаракатини назарда тутиб, - деб ёзадиФайзулла Хўжаев, жадидчилик ҳаракати, 1914-1915 йилларда инқирозни бошидан ўтказди. Икки томонлама цензура босими остида нашр этилаётган газета ва журналлар ёпиб қўйилди ва қонуний жамоага амир маъмуриятининг асоссиз айбловлари кучайтирилди.

Истамбул ва Оренбург шаҳарларидан ўқишдан қайтган кўпгина ёшлар, сиёсий вазифаларни аниқ шакллантириб, сиёсий талабларни илгари суришни таклиф этишлари ҳам бу ҳодисаларга катта таъсир кўрсатди.

Бу янги талаблар жадидчилик ҳаракатида дастлабки табақаланишни келтириб чиқарди.

Биринчи табақа, эски фикр мулоҳазаларни ўзида сақлаган қатор жадидчилар.

Иккинчиси эса, асосан ёшлардан таркиб топган чап қанот”.

Тошкентлик ва фарғоналик жадидчиларнинг бухоролик сафдошларидан фарқи, 1914-1915 йилларда инқироз вазиятида эмас эдилар.

Чўлпон, Тавалло, Авлонийларнинг энг яхши шеърий ва наср асарларини “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталарида нашр этилди. Беҳбудий, Хўжа Муин, Нусратулла Қудратулла каби ёзувчиларнинг пьесалари асосида саҳна кўринишлари намойишини амалга оширди. 1916 йил қўзғолони билан боғлиқ митинглар ва намойишлар, жадидчилик ҳаракатига катта жўшқинлик берди. Айнан ўша вақтда жадидчилар тўла маънода эзилган халқ манфаатларининг ифодачиси бўлди.

Октябр инқилобидан кейин, жадидларнинг ташаббуси билан 1917 йил Қўқонда Туркистон автоном ҳукумати ўрнатилганлиги эълон қилинди. Фитрат Туркистон мухторияти эълон қилинган 27 ноябр тунини “миллий лайлатулқадримиз” деб атади. Бироқ 1918 йилнинг февралида совет қўшини автоном ҳукуматни тор-мор этиб, жадидчиларга қақшатгич зарба берди. Натижада, 1920 йилдан кейин уларнинг бир қисми большевиклар томонига ўтишга мажбур бўлди. Жадидларнинг қолган қисми совет муассасаларида ишласада, ўзларининг ғояларига содиқ қолган холда вазифасини бажаришни давом эттирди. Жадидлар 1920 йилларнинг бошида “Нашри маориф” жамиятини тузиб, маданий меросни – китоблар, қадимий ёдгорликлар, амалий санъат асарлари ва ҳ.к. йўқ қилишга йўл бермасликка ҳаракат қилди.

Совет тарихчилари жадидларни миллатчиликда, рус халқига нисбатан ёмон кўриш руҳида тарбияланганлигида, халқ оммасидан узоқлашганликда, миллий буржуазияни қўллаб-қувватлашга бўлган интилишда айблайди. Агар бу ҳақиқат бўлганда, унда Туркистон автоном ҳукумати таркибида на рус, яҳудий, поляк, қозоқ миллатига мансуб ҳеч ким бўлмас эди; Мунавварқори Абдурашидхонов, Салимхон Тиллахонов, Фитрат, Чўлпон, Боту ва б. рус

аёлларига уйланмас эди. М. Беҳбудий ўзбек ва форс тилларидан ташқари, рус ва европа тилларидан яна битта тилни ўрганишни назарга тутиб, “иккита эмас, тўртта тилни ўрганиш лозим” деган шиорни кўтариб чиқмас эди.

Собиқ жадидлар Файзулла Хўжаев, Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов ва бошқалар, маориф, фан, маданият, қишлоқ хўжалиги ва б.соҳалардаюқори малакали миллий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Мазкур мақсад билан 20 – йилларнинг бошида Германияга иқтидорли ўғил қизларни ўқишга юборди. Бухоро ва Туркистон республикалари бошлиқлари Файзулла Хўжаев ва Турар Рисқулов ва б. 1922-1923 йилларда Германияга ташриф буюриб, туркистонлик ёшларнинг ҳаёти билан қизиқиб, муваффақиятли таълим олишларига доимо ғамхўрлик қилдилар. Бироқ, большевик бошлиқлари томонидан собиқ жадидларнинг фаолиятига назорат кучайтирилди. Масалан, Маҳмудхўжа Беҳбудий 1919 йилда ўзининг дўсти Мардонқули билан Парижга конференцияда иштирок этиш учун жўнайди. Улар Бухоро амирлиги ҳудудида ҳибсга олинади ва амир жаллодлари томонидан ўлдирилади. Мухториятнинг бошқа аъзолари Убайдулла Хўжаев, Саидносир Миржалилов ва “Миллий иттиҳод” махфий ташкилотининг бошлиғи Мунавварқори Абдурашидхонов ва б. 1923 йилдан бошлаб қатағонга учрайди. Убайдулла Хўжаев қарийиб 1 йил татар сиёсий арбоби Ильяс Алқин билан бирга Бутирской қамоқхонасида ҳибсда сақланади. Мунаввар қори Абдурашидхонов 1929 йилнинг охирида “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилот бошлиғи сифатида айбланади. 1930 йилда дўсти Салимхон Тиллахонов, Саид Ахрорий ва б. билан биргаликда отиб ташланади ва Ваганьков қабристонида махфий кўмилган. 1937 йилнинг охирларида, давлат арбоблари Файзулла Хўжаев, Турор Рисқулов, Алихон Буклихоновлар ҳориж разведкаси айғоқчиси айблови остида, миллатчи, пантюркчи, совет ҳокимияти сиёсатига қарши етук курашчи сифатида кўзга кўринган ёзувчилар, олимлар, Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Булат Солиевлар отиб ташланди. Шундай қилиб, 30 йилларнинг охирига келиб туркистон жадид ҳаракатининг отиб ташланмаган биронта арбоби қолмади. Бу барча машҳур ёзувчилар, маърифатпарварлар, педагог ва мадраса ўқитувчилари СССР НКВД қўли билан йўқ қилинди.

ХУЛОСА

Туркистонда жадидлик ҳаракатининг оқибатлари ўта фожиали бўлди. Жадидларнинг ўзи қатағонга учради ва йўқ қилинди. жадидчилик ҳаракатига большевиклар томонидан барҳам берилди. Чунки жамиятни мустамлакачилик асоратидан олиб чиқишвамиллий-давлат қурилиши концепцияси илгари сурилган бўлиб, бу совет тузумига ва унинг қулашига таҳдид солаётган эди. Ўзининг фожиали якунига қарамасдан, жадидлар томонидан асос солинган

миллий озодлик ҳаракатлари, миллий ўзликни англашнинг ўсишига кўмак берди. миллий озодлик ғояларининг шаклланиши ва ривожланишида катта роль ўйнади. Жадидларнинг таълимоти ҳақиқий эди, барча илғор ва ҳур фикрловчи ёшларни ўзига жалб этди.Жадидларнинг шак-шубҳасиз тарихий хизмати, уларнинг маърифатпарварликдан бошлаб, жамиятни ислоҳ қилишга уринишлари, тараққиёт учун энг муҳим деб ҳисобладилар. Уларнинг шиори-миллий доирада чегараланиб қолмаслик ва шу билан бирга буюк ватанпарварлик ва ўз мамлакатига муҳаббат қўйиш, мустамлакачилик асоратидан қутилиш истаги уларни оқилона ҳаракатларга ундади.

REFERENCES

1. Н.С.Кенжаева (2020). XX асрнинг 30-йилларида помир ва унга туташ минтақаларда амалга оширилган илмий экспедицияларнинг комплекс тадқиқот фаолиятига доир: аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари // FarDU ilmiy xabarlar. 4.
2. Османов Ю.Б. Просветитель Востока Исмаил Гаспринский. Симферополь. 2014, С. 12.
3. Н.С.Кенжаева (2020). СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИНИНГ ТОЖИКИСТОН САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚЛБОЛЛАРИНИ ЎРГАНИШГА КЎШГАН ҲИССАСИ (XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИ) // ЎТМИШГА НАЗАР № 2.
4. Фитрат А. Рассказы индийского путешественника // Звезда Востока, 1990, № 7. С. 134.
5. Н.С.Кенжаева (2020). Ўрта осиё давлат университети (САГУ) олимларининг помирга уюштирилган экспедицияларда иштироки (1923-1928 йилл) // ILIM hám JÁMIYET № 2. С. 56-58.
6. Ходжаев Файзулла. Избранные труды. В 3 томах. Т. 1. Ташкент: Фан, 1970. С. 128.
7. J.N. Abdurakhmanova, S.B. Jumaeva, U.K. Ismailov (2020). The Importance of Shrines in The Spiritual Life and Mentality of Uzbek People // International Journal of Psychosocial Rehabilitation 24 (09) 2389- 2398.
8. G'afforov, Y., Nafasov, A., & Nafasova, Z. (2020). From the History of the Beginning of the “Great Game”. Journal of Critical Reviews, 7(11), 2798-2802.
9. Abdurakhmanova, J. N. (2020). The policy of tolerance in Uzbekistan (in the case of Greeks). International Journal on Integrated Education, 2(5), 212.
10. Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), 8104-8111.
11. Н.С.Кенжаева (2018). "Туркестанский сборник"нинг яратилишига доир айрим мулоҳазалар // Тарихий манбашунослик муаммолари. С. 89-94.

12. О.А.Махмудов Н.С.Кенжаева (2017). Религиозная ситуация и предпосылки принятия ислама в Золотой Орде // XIII Фаизхановские чтения. Наследие Золотой Орды в государственности и культурных традициях народов Евразии: материалы международной науч- но-практической конференции. Санкт-Петербург, 4–6 мая 2016 г. С. 469-474.
13. Тоштемирова С (2019). Ўзбекистонда коллективлаштириш ва унинг оқибатларини ўрганишга доир мулоҳазалар. Тафаккур зиёси № 3 –Б. 78-80.
14. Nasirov Otabek., Usmanov Farhod, & Begaliyev Javlonbek. (2020). Order of Creation of Joint-Stock Companies in Turkestan in the Late XIX - Early XX Centuries and Participation of Foreign Capital in It. International Journal of Psychological Rehabilitation, 24(07), 8034-8042.
15. Toshtemirova, С., Жолдасов, И. (2019). Білімді адамгершілікке баулу идеясының қажеттігі // «Actual problems of society, education, science and technology: status and prospects of development» collection of scientific papers of the ii international scientific-practical conference. Актубе. P. 17-23.
16. Н.С.Кенжаева (2019). Вклад российских ученых в изучение Памира и Припамирья в составе Таджикской комплексной экспедиции 1932 года // Гуманитарное измерение в истории российско-узбекистанских связей. С. 79-86.
17. G'afforov, Y., Nafasov, A., & Nafasova, Z. (2020). From the History of the Beginning of the "Great Game". Journal of Critical Reviews, 7(11), 2798-2802.
18. Раимова, А. (2016) Образование в Ташкенте во время завоевания Средней Азии Царской Россией. Tarix ta`limi va tadqiqotlarining dolzarb masalslsri. Ilmiy maqolalar to'plami, 141-143
19. Тошев, С. (2020). Ўзбекистоннинг совет мустамлакачилиги даври тарихини ўрганишда турк тилидаги манбаларни ўрни. In Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари (pp. 121-127)
20. Раимова, А. (2015) Начало урбанизации Ташкентского оазиса. Ta`lim, tarix va xotira. Ilmiy maqolalar to'plami, 12-15
21. Matchonov S. (2020). Adabiyot darslarida Tahlil va talqin uyg’unligi // Til va adabiyot ta’limi. 7-son. –B. 8-11.